



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 2 ноябрь, № 225 (8848)

Шанба

Сайтимидаги ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАГИ ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 31 октябрь — 1 ноябрь кунлари йирик sanoat объектлари ва ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий соҳа ташкилотлари билан танишиш, янги лойиҳаларга старт бериш мақсадида Навоий вилоятида бўлди.



Давлатимиз раҳбарининг Навоий вилоятига ташрифининг иккинчи куни хайрли воқеа билан бошланди. Жамоатчилик вакиллари иштирокида янги лойиҳаларга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Кейинги йилларда Навоий вилоятида тадбиркорлик жадал ривожланиб, инвесторларнинг худудга қизиқиши тобора ортмоқда. Биргина 2023 йилнинг ўзида 101 триллион сўмликдан зиёд sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 648 миллион долларлик экспорт амалга оширилган. Шунингдек, қарийб 478 миллион долларлик хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, вилоят ташқи савдо айланмаси қарийб 1,3 миллиард долларни ташкил этди. Вилоятда 300 дан ортиқ чет эл корхоналари ишлаб турибди. Энди уларнинг сони янада кўпаяди.

Маросимда 15 та лойиҳа ҳақида эълон қилинди.

Жумладан, Конимех туманида ёнвучи сланецларни қазиб олиш ва қайта ишлашнинг биринчи босқичи, Кармана туманида 300 мегаватт қуёш фотоэлектр станцияси ва 75 мегаватт электр энергиясини сақлаш тизими, Навоий шаҳрида техник газ ишлаб чиқариш, Фозгон шаҳрида мрамар ва Зарафшон шаҳрида гранит тошларни қайта ишлаш, Учқудуқ туманида каолин қазиб олиш ва бойитиш, Хатирчи туманида балиқ озуқаси тайёрлаш лойиҳалари қурилиши бошланди.

Кармана туманида калий сульфат ва сульфат кислотаси, Навоий шаҳрида пахта целлюлозаси, Нурота туманида гранит тошларни қайта ишлаш корхоналари ишга туширилди.

Мазкур 15 та лойиҳанинг умумий

қиймати 3 миллиард 600 миллион доллар. Уларнинг натижасида 7 мингдан ортиқ иш ўринлари пайдо бўлади.

Президент Шавкат Мирзиёев рамзий тугмани босиб, янги лойиҳаларнинг қурилиши ва фаолиятини бошлаб берди.

Шундан сўнг Навбахор туманида Навоий вилояти иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли даромадларини кўпайтириш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш масалалари муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг бошида яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Жўрғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашларига сайловлар демократик тамойиллар асосида қизгин ўлганни таъкидлаб, унда масъулият билан қатнашадан фуқароларга миннатдорлик билдирди.

Буюк бобомиз номи билан аталадиган Навоий вилояти маънавий тарбия, маърифий юксалиш йўлида барчага ўрнатқ бўлиши керак. Шу маънода, давлатимиз раҳбари янги — 2025 йилни вилоятда “Алишер Навоий йили” деб эълон қилишни таклиф этди. Бу ташаббус доирасида республика танлови ва навоийхонлик кечалари ўтказилади, ёшларбон китоблар чоп этилади, шоир асарлари бўйича фильмлар тайёрланади. “Янги Навоий” шаҳарчасида муҳташам ҳайкал ва музей барпо этилади.

Иқтисодиёт ҳақида гап кетар экан, кўрсаткичлар ва режалар атрофида таҳлил қилинди.

Сўнгги етти йилда Навоийда 8 миллиард долларлик 6,5 мингта лойиҳа ишга туширилиб, 27 триллион сўмлик

кўшилган қиймат яратилган. Тадбиркорлар сони 3 қарра кўпайган. Шу вақт ичида вилоят иқтисодиёти тўққизинчи ўриндан учинчи ўринга чиқиб, 82 триллион сўмга етган. Бу йил 2,2 миллиард долларлик 577 та лойиҳа бажарилиб, 10 мингта юқори даромадли иш ўрни пайдо бўлади.

Шу билан бирга, имкониятлар ҳали кўп. Навоий вилояти мамлакатимиз марказида жойлашган бой табиий ресурслар, етарли инфратузилма ва инсон салоҳиятига эга худуд. Юртимиздаги 5 триллион долларликдан ортиқ қазилма бойликларининг 20 фоизи Навоий заминиди. Бу исталганча инвестор талабини қондира олади.

Вилоятда ҳар йили 100 триллион сўмликдан ортиқ sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган. Жон бошига даромад республикада иккинчи ўринда. Булар маҳаллий тадбиркорликни ривожлантириш, савдо, хизматлар, умумий овқатланиш ва туризмни кенгайтириш учун катта имконият.

Ҳозирда вилоятда 11 миллиард килловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилапти, яна 5,2 гигаваттлик шомол ва қуёш станциялари ишга тушиш арафасида. Булар — янги sanoat ва сервис корхоналарининг узлуксиз ишлаши кафолати.

Шу нуқтаи назардан, вилоят ҳоқими, 11 та шаҳар ва туман ҳоқимлари, давлат ташкилотлари ва банклар, 330 та маҳалладаги “етилик” бу имкониятлардан қай даражада фойдалана оляпти, дея савол қўйилди.

2025 йилда вилоятга 3,7 миллиард доллар хорижий инвестиция киритилиши, натижада 600 та янги корхона очилиб, 15 мингта юқори даромадли иш

ўрни яратилиши режалаштирилган. Энг муҳими, бу лойиҳалар нафақат Навоий, балки атрофидаги вилоятлар саноатини ҳам эргаштиради.

“Ер қаъри тўғрисида”ги янги қонунга мувофиқ энди янги тизим бўлади. Барча стратегик ресурсларни конлар халқаро баҳолашдан ўтади.

Навоий вилоятида Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг худудий бошқармаси очилади. Энди лицензия ва рухсатнома бериш, конларни аукционга чиқаришни бошқарманинг ўзи ҳал қилади.

Вилоят худудидан Зарафшон дарёси ва Оқдарё ўтган. Яна 256 километр сой, 2 минг километрдан зиёд канал-станциялар қуриш бўйича кўрсатма берилди. Бунинг учун 10 миллион доллар ажратилади, ГЭСлар “sanoat ипотекаси” асосида тадбиркорларга берилади.

Келгуси йилда Навоийга 500 минг хорижий туристни жалб қилиб, бу хизмат экспортини 150 миллион долларга етказиш вазифаси қўйилди. Йўл бўйларига енгил конструкцияли шохобчалар ташкил этиб, савдо ва сервислари кўпайтириш имконияти кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда бандлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Вилоятда 16 минг камбағал оила, 8 мингдан зиёд ишсиз фуқаролар бор. Иқтисодиёт тармоқларидаги қўшимча салоҳиятдан фойдаланиб, уларни иш билан таъминлаш имконияти кўрсатиб ўтилди. Бандлик ва ижтимоий ҳимоя тизимлари биргаликда бир йилда 16 минг оилани камбағалликдан чиқариш мақсади белгиланди.

Озиқ-овқат маҳсулотларини захира қилиб, бозорларга кунлик етказиб бериш, уларнинг нархини барқарорлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Бунда қишлоқ хўжалиги муҳим. Лекин Навоийда бор-йўғи 100 минг гектарда экин экиляпти. Унинг 72 фоизи насосда сугорилади. 9 миллион гектар яйлов бўлса-да, чорва кам.

Шу боис келгуси йилда пахтачиликда Туркия, Хитой уруги ва технологиясини олиб келиб ҳосилдорликни 70 центнерга чиқариш, 7 минг гектар бог ва тоқзорларни янгилаш, ҳамма сувли ерларни лазерли текислаб, такрорий экин сифатида 10 минг гектарда кунгабоқар етиштириш чоралари белгиланди. Яйловларга дрон билан озуқа экинлари, доривор ва зираворлар уруғлари сепилиб, 50 минг аҳолига бўлиб берилади. Умуман, ун йилда 3 миллион гектар яйлов яхшилланиб, чорва 10 қарра кўпайтирилади.

Инфратузилма билан боғлиқ масалаларга ҳам тўхталиб ўтилади.

Зарафшон шаҳрида аҳоли тез ўсаётганини инобатга олиб унинг худудини Томди тумани ҳисобидан 2 минг гектарга кенгайтириш ва 150 минг аҳоли учун шароит яратиш зарурлиги айтилди.

Зарафшон шаҳри, Учқудуқ ва Томди туманларида жами 200 минг аҳоли яшайди. Хорижий инвесторлар ҳам кўп келяпти. Уларга қулайлик яратиш учун Зарафшон шаҳридаги аэропортдан фойдаланиш, “Янги Томди” кўрғонига қўшимча электр тармоғи тортиб тадбиркорлик лойиҳаларини кўпайтириш мумкин.

Чекка худудлардаги 18 та эски мак-

табни ва ичимлик суви тармоқларини янгилаш, богча ва мактаблар қуриш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш вазифалари белгиланди. Тадбиркорлик қилишга қизиқиши бор 9 минг хотин-қизини касбга ўқитиб, бандлигини таъминлаш мумкинлиги айтилди.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик ва “Яшил макон” умуммиллий ҳаракатининг бажарилиш ҳолати ҳам кўриб чиқилди.

Мутасаддилар, туманлар ва тармоқлар раҳбарлари жорий йил якунида қутилаётган натижалар, келгуси йилга мўлжалланган режалар бўйича вилоят фаоллари ва халқ олдида ахборот берди.

Йиғилишга видеоселектор орқали Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳам уланди. Уларнинг раҳбарлари Навоий вилоятида кўрсатиб ўтилган йўналишларда ўз худудиди ҳам имкониятлар борлигини тасдиқлаб, бундан хулоса қилиши ва натижадорликни оширишини айтди. Хусусан, sanoat, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, туризм ва хизмат лойиҳаларини жадаллаштириб, худудий иқтисодиётни ривожлантириш, тадбиркорлик ва касбга йўналтириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш чораларини баён қилди. Йил якунига-ча ва келгуси йилга мўлжалланган режалар белгиланди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБЕКОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСINI ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 ноябрь куни Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг ўринбосари Дмитрий Чернишенко бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Россия делегацияси таркибиди учрашувда вазирлар Алексей Чекунков ва Сергей Кравцов ҳам қатнашди.

Олий даражадаги келишувларга мувофиқ Ўзбекистон — Россия кўп қиррали муносабатларини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Сўрашув аввалида Дмитрий Чернишенко давлатимиз раҳбарига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Ҳукумат Раиси Михаил Мишустиннинг саломини етказди.

Сўхбат давомида икки мамлакат ўртасидаги таълим ва гуманитар алмашинуви кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратил-

ди. Жумладан, Россиянинг етакчи олий таълим муассасалари фаолияти ва Ўзбекистонда уларнинг янги филиалларини очиб, юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш масалалари муҳокамаси қилинди.

Мамлакатимиз худудларининг Россиянинг Узоқ Шарқдаги худудлари билан амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича қўшма «Йўл харитаси»ни қабул қилиш мумкинлиги таъкидланди.

Томонлар ўзаро сайёҳлар оқимини кўпайтириш, қўшма маданий ва спорт тадбирларини ўтказишдан манфаатдор эканлиги қайд этилди.

ЎЗА.

ЯНГИЛАНГАН САЙЛОВ ТИЗИМИ ЯНГИ СИЁСИЙ ДАВРНИ БОШЛАБ БЕРДИ

Жорий йилнинг 27 октябрь куни мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловлар ўтказилди.

Мазкур сайловларнинг илк марта аралаш сайлов тизими асосида ўтказилгани фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштироки бўйича янги сиёсий даврни бошлаб берди.

НУҚТАИ НАЗАР

Ушбу янги тизим парламент ва маҳаллий Кенгашлардаги ҳар бир ўрин учун партияларнинг сиёсий фаолигини янада ошириб, жараёнларнинг кучли рақобат асосида ўтишига хизмат қилди.

Шу билан бир қаторда, жорий йилдаги сайловлар унда замонавий сиёсий технологиялардан кенг фойдаланилгани, жараёнларни рақамлаштиришга катта эътибор қаратилгани ҳамда илк марта электрон овоз бериш тизими жорий этилгани билан сиёсий жараёнларда технология хижатдан олдинга катта силжиш бўлганини кўрсатди.

Бу, ўз навбатида, сиёсий партиялар томонидан фаол равишда олиб борилган тарғибот-ташвиқот тадбирларида ҳам яққол сезилиб, сайлов натижаларида ҳам намоён бўлди.

Замонавий сиёсий технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этди

Қайд этиш керакки, жорий йил-

нинг 22 сентябридан бошланган сайловолди ташвиқоти қарийб 34 кун давом этди. Сиёсий партия-ни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган мазкур фаолият ўз дастуридаги го ва ташаббуслар, сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни сайловчиларга етказиш учун катта имконият саналади.

Гувоҳи бўлдикки, сайловолди ташвиқотида аралаш сайлов тизими имкониятларини инобатга олган ҳолда барча партия ва номзодлар “ҳар бир овоз ҳал қилувчи” эканидан келиб қатъий ҳаракат қилди. Жорий йилдаги янгиланган тизим асосида ўтказилган сайловларда номзодлар борасида ҳам сиёсий технологияларни қўллаган партия сайловчи овозини олишда муносиб натижага эришди.

Яъни нафақат бир мандатли ок-

ругларда, балки партия рўйхати орқали ўз аъзолари ва тарафдорлари ичиндан халқ таниган обрўли шахслар, ҳукумат ва жамоатчилик вакиллари номзод сифатида кўрсатиш ҳам сиёсий ҳоқимият учун курашаётган партия учун сайловда ўзини оқлаган сиёсий технология бўлди.

Таъкидлаш керакки, ҳар бир кичик рамздан йирик технологияга бўлган ташвиқот усуллари якуний натижаларга бевосита таъсир қилди. Масалан, ЎзЛиДеПнинг овоз беришга чақирув, номзодларни танитиш, зарурий ахборотларни сайловчига етказиш борасида кенг қўллаган замонавий ёндашувлари партия дастуридаги ҳаётий ташаббусларига параллел равишда галаба учун хизмат қилди.



ЯНГИЛАНГАН САЙЛОВ ТИЗИМИ ЯНГИ СИЁСИЙ ДАВРНИ БОШЛАБ БЕРДИ

Экологик партия **рамзи сифатида** даракт, гул каби сайловчи диктаторни тортадиган кичик жихатларга эътибор қаратилгани эса **“яшиллар”**га хайрихоҳ бўлганлар сафини кенгайтиришга ўзига хос равишда ҳисса қўшди.

Шунингдек, МТДП дастурида ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан аниқ тақлифлар эмас, балки кўпроқ умумий тусдаги **чақириқлар** илгари сурилгани сайловолди ташвиқотидаги **контент сифати**га, пировадидда эса партиянинг сайлов яқунлари бўйича умумий натижасига таъсир қилмасдан қолмади.

Юқоридагилар билан бир қаторда бу йилги сайловларда **сиёсий гоаялар қарама-қаршилиги** ва **ҳақиқий кураш майдони** бўлган дебатлар, ҳар бир хонадон, ҳар бир сайловгоҳчага етиб бориб, худудларда ташкил этилган **электорат билан учрашувлар**, ўз тарафдорлари сонини ошириш ва борларини мустаҳкамлаш йўлидаги **оммавий тадбирлар**, сайловчи эътиборини тортадиган **тарғибот усуллари** муҳим аҳамият касб этди.

Ноанъанавий тарғибот усуллари ташвиқот жозибаторлигини оширди

Жорий йилдаги сайловолди ташвиқоти **технологик** ва **маърузани** қатор англо-америка, замонавий ёндашувларга бой бўлди. Нафақат биз билган анъанавий, балки илк бор кенг қўлланилган **ноанъанавий тарғибот** усуллари ҳам гувоҳ бўлди.

Умуман олганда, сайловолди ташвиқоти ривожланган демократик давлатларда ҳам сайловчиларни ўз ортидан эргаштиришга, партия гоаялари остида бирлаштиришга, уни қўллаб-қувватлашга чақирадиган энг муҳим босқич ҳисобланиб, бу сайлов натижаларига катта таъсир қўрсатади. Сайловолди ташвиқоти жараёнида партия дастурини халққил ва оммабоп тарғиб қилиш учун зарур контент ва замонавий услул ҳамда воситаларни қўллаш мақсадида махсус **политолог, имиж-мейкер** ва **спичрайтерлар** жалб этилади.

Шундан келиб чиқиб, жорий йилдаги сайловларда бу борада **катта сиёсий ўсишнинг** гувоҳи бўлди. Айниқса, **кимнинг аслида нимага қодирлигини** реал кўрсатиш берадиган, **ҳақиқий баҳс** ва **сиёсий кураш майдони**га айланган **дебатлар**, электорат овози учун кураш бўлган оммавий тадбирлар сайловолди ташвиқотида алоҳида ажралиб турди.

Тўғридан-тўғри эфирга узатилган, худудларни ҳам қамраб олган **20 дан зиёд дебатлар**, бутун республика бўйлаб ташкил этилган **ўнлаб оммавий тадбирлар**, миллионлаб сайловчилар аудиториясини ўз ичига олган **минглаб учрашувлар** бу борадаги фикриникини яна бир бор тасдиқлайди.

Шунингдек, дебат ва подкастлар, мақола ва постларда билдирилган кескин фикр ва



танқидлар бўйича **шаклланган хулоса** сайловлар кунини ўз баҳосини берувчи сайловчилар эътиборидан четда қолмади. Зеро, гоаялар баҳсига айланган сиёсат майдонида қай бир партия сайловчи ишончига сазовор бўлса, натижалари ҳам яқунда муваффақиятли бўлди.

Яна бир муҳим масала шуки, сайловолди ташвиқоти жараёнида асосий ҳаракатланувчи восита бу — **зарурий ахборот**. Ҳўп, шундай экан бугун одамларимиз асосий ахборотни қаердан олади? Албатта, **ижтимоий тармоқ** ва **интернет сайтларидан**.

Эътибор берадиган бўлсак, бугунги кунда **37 миллиондан ортиқ** аҳолиимизнинг **30 миллиондан ортиқ** интернетдан фойдаланади. Бу, албатта, жуда йирик аудитория.

Маъзур вазиятни тўғри баҳолай олган сиёсий партия ва номзодлар сайловолди ташвиқотида **интернет тармоғи имкониятларидан** самарали фойдаланишга ҳам катта эътибор қаратди. Бу борада машҳур оммабоп сайт ва платформаларда ташкил этилган **дебатлар, подкаст** ва **чиқишлар**, ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган **видеоролик, инфо-пост** ва **мақола**лар сайловчилар эътиборидан четда қолмади.

Шу билан бир қаторда, сайловолди ташвиқотларида **замонавий илм-фан ютуқларидан** фойдаланиш ҳолатларига ҳам гувоҳ бўлди. Хусусан, ташвиқот материалларининг **суний интеллект** ёрдамида тайёрланиши ва тарқатилиши **замонавий сайловчиларни** бефарқ қолдирмади.

Албатта, миллий қонунчиликда сайловолди ташвиқотини олиб боришдаги **асосий минимал қарорлар** алоҳида белгилаб қўйилган. Хусусан, ташвиқот олиб борилаётганида давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда ҳажмига кўра **бир хил эфир вақти** ва **нашр майдони бепул** берилди.

Лекин бугунги очик ахборот маконида фақат **давлат ОАВ имкониятлари билан чекланиш** кутилган самара бермайди. Шундан келиб чиқиб, партиялар **нодавлат оммавий ахборот воситалари** ва қонунда тақиқланмаган бошқа ташвиқот усулларида ҳам кенг фойдаланди.

Натижада сиёсий партия ташвиқотлари **кўпроқ аудиторияга** қириб борди, гоая ва ташаббуслари **замонавий платформалар-**

да кенг муҳокама қилинди. Бу эса сайловчининг маълум қарорга келишига ўз таъсирини кўрсатди.

Бугунги сайловчи кечаги сайловчи эмас!

Янги Ўзбекистонда одамларимизнинг сиёсий онги, ҳуқуқий билим ва маданияти анча ўсган. Бугун сайловчини **“қуруқ” ваъда** ёки шунчаки тарғибот билан жалб қилиш ёки овозини олиш, ортидан эргаштириш жуда қийин. Жамиятимизда ўз келажаги, хусусан, бу борадаги **сиёсий ўзилиши** ва **қарорини** билдира олиш даражаси йилдан-йилга ошиб бормоқда. **Очик ахборот сиёсати, сўз ва матбуот эркинлиги** бунга катта имконият бермоқда.

Маъзур ҳақиқатни тўғри англаган сиёсий партия ва номзодлар мавжуд реалликдан келиб чиқиб, халқ манфаатларига хизмат қиладиган **халқчил ташаббусларни** ўртага ташлади, уларни тарғиб қилди, ташвиқотда устуворлик берди. Нафақат ташаббус, балки уларни **реал амалга ошириш имконияти, ҳуқуқий, ташкилий** ва **молиявий манбаларини** ҳам асослаб бериш сайловчилар овозини олишда муҳим аҳамият касб этди. Уларнинг халқ томонидан қандай қабул қилинганини эса сайлов натижалари кўрсатиб берди.

Сайловолди ташвиқоти халқро кузатувчилар нигоҳида

Қайд этиш кераки, жорий йилдаги сайловларда **850 дан ортиқ** хорижий ва халқро кузатувчилар, хусусан, **Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти** ҳамда **Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотидан** вакиллар жараёнларни кузатиб борди.

Албатта, сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш, шунингдек, сайловолди ташвиқоти ва ундаги замонавий технологиялар **хорижий ва халқро кузатувчилар** эътиборидан четда қолмади.

ЕХТД Демократик институтлар ва **инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси** ўз баёнотида **“...сайловлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилигига мувофиқ тарзда, шаффоф, рақобат муҳитида, очик ва эркин ўтказилганлигини”** алоҳида эътироф этди.

Шунингдек, қатор хорижий кузатувчилар мамлакатимиз фўкарларининг **сиёсий фаоллиги** ошганини, ҳар бир партия ва депутатликка номзодлар фаолияти билан танишиб, сўнг **ўз сиёсий қарорини** қабул қилганини, очиклик ва сўз эркинлиги таъминланганини алоҳида қайд этиб ўтмоқда.

Бундан ташқари, сайловолди ташвиқотида **қонунийлик** ва **тенглик принциплари**ни қўллашга алоҳида эътибор берилгани ҳам

кузатувчилар эътирофида бўлди. Жумладан, сайлов участкаларида номзодлар ҳақидаги маълумотлар тўлиқ берилгани, номзодлар сайловолди кампаниясини **тенг шароитларда олиб боришлари учун** барча имконият яратилгани, бу борада давлат оммавий ахборот воситалари ва оммавий нашрларда қонун ҳужжатларига мувофиқ **бепул эфир вақти** ва **нашр учун саҳифа ажратилгани** алоҳида қайд этиб ўтилди.

Халқро ва хорижий кузатувчилар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар сиёсий жараёнларда катта **демократик қадамлар** ташлангани, мамлакатимизда **халқро сайлов стандартлари** самарали татбиқ этилаётганини кўрсатади.

Хулоса аниқ: ким ташвиқотда ютган бўлса, яқунда ҳам галаба қозонди

2024 йилнинг 28 октябрь куни Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловларнинг дастлабки натижаларига кўра **бир мандатли** сайлов округи ва **ягона сайлов округи бўйича** сиёсий партияларга берилган овозларга мутаносиб равишда депутатлик ўринлари тақсимоти эълон қилинди.

Натижаларга кўра сиёсий партияларнинг депутатлик ўринларини эгаллаш кўрсаткичларини олдинги парламент сайловчи натижалари билан солиштирганда сезиларли ўзгаришлар бўлганини кўриш мумкин.

Жорий натижаларнинг маъзур кўриниши эса кўп жиҳатдан олиб борилган **сайловолди ташвиқоти** билан ҳам боғлиқ. Албатта, натижалар бу — ҳар бир сайловчининг овози йўлида қилинган **ҳаракат**, фаол равишдаги **тарғибот** ва **ташвиқот**, партия дастуридаги гоая ва ташаббусларнинг сайловчилар томонидан **қўллаб-қувватлангани**, сиёсий партия ва депутатликка **номзодлар фаолияти** билан боғлиқ.

Шу боис ким **муносиб номзодларни** илгари сурган, самарали фаолияти билан халқни **ўз гоаялари атрофида** бирлаштирган, **ҳар бир овозни ҳал қилувчи** деб ҳисоблаб, ҳатто хориждаги сайловчилар овози учун ҳам курашган бўлса, бугун сайловчиларнинг қўллаб-қувватлаши ва юксак ишончига эришиб турибди.

Маъзур кўрсаткичларни амалга оширишда эса **фундаментал асос — сиёсий платформа** ва **рақобат майдони** бўлган сайловолди ташвиқоти ҳисобланади.

Аралаш сайлов тизими асосида илк бор ўтказилган сайловолди ташвиқоти бўйича **ўтланган тажриба** сиёсий партияларнинг кейинги парламент ва маҳаллий Кенгашларга ўтказиладиган сайловларда **ўз сиёсий платформасини тарғиб қилиш бўйича стратегияни** шакллантиришга асос бўлади.

Фирӯз МАХМУДОВ, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

АНЖУМАН

ҚУТЛУҒ САНА КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Олмалик шаҳридаги **“Металлург” маданият саройида** **“Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ташкил топганининг 75 йиллиги** муносабати билан байрам тадбири ўтказилди.



Унда Президентимизнинг қўйилганини амалий самарасидир. Бинобарин, **“Қалмоққир”, “Ангрен”, “Чо-дак”, “Хонжиза”** майдонлари ҳамда янги очилган **“Ёшлик — 1”** қонид хомашёни чуқур қайта ишлайдиган 6 та корхона ва 5 та бойитиш фабрикаси, мис эритиш ҳамда рух заводлари, шунингдек, қатор ишлаб чиқариш инфратузилмалари барпо этилганини келтириб ўтиш мумкин.

— Бугун кенчлар ҳаётида энг қувончли кун, — дейди **“Олмалик ҚМК” АЖ** мис боитиш фабрикаси директори Равшан Сиддиқов. — 75 йиллик шонли йўлни босиб ўтган комбинат бугун саноатнинг драйвер соҳаларини ривожлантиришда етакчилик мавқеини эгаллаб келмоқда. Шу жиҳатдан давлатимиз раҳбарининг байрам муносабати билан қончи ва металлургия йўллаган табриги **“Олмалик кон-металлургия комбинати”** акциядорлик жамиятининг энг йирик бойитиш корхонаси ҳисобланган мис бойитиш фабрикаси меҳнат жамоасини ҳам янги марралар сари руҳлантиради. Биз келгуси йилда 40,3 миллион тонна маъдани қайта ишлашдек улкан маррани заёт этишни ўз олдимишга устувор мақсад сифатида белгилаб олдик.

Анжуман сўнгида санъат усталари томонидан ижро қилинган дилрабо куй-қўшиқ ва рақслар байрам иштирокчилари қалбига янада кўтаринкилик бахш этди.

«Халқ сўзи».

Муносабат

КАТТА МАРРАЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА

Кейинги йилларда юртимизнинг барча худуди каби **Навоий вилоятида** ҳам тадбиркорлик жадал ривожланиб, инвесторларнинг бу ерга қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Бугун худудда **300 дан ортиқ чет эл корхоналари** фаолият олиб бораётгани ҳам шундан далолат. **Муҳими, шу саъй-ҳаракатлар туфайли биргина 2023 йилнинг ўзида 101 триллион сўмликдан зиёд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 648 миллион долларлик экспорт амалга оширилган.**



тайёрлаш лойиҳалари қурилиши бошлаб юборилди.

Давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, янги лойиҳалар қурилиши ва фаолиятини бошлаб берди.

Таъкидлаш кераки, ушбу лойиҳалар биргина **Навоий вилояти** учун эмас, балки бутун мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Бу, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасини ошириш имконини беради. Зеро, юртимизда олиб борилаётган ислотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам одамларнинг кундан-кун яхшироқ ва бахтлироқ яшашлари учун шароит яратишдан иборат.

Кези келганда вазифамиз тақозоси билан хорижлик ҳамкасбларимиз, яқин қўшни давлатлардаги қардошларимиз билан мулоқотлар қилганимизда улар Ўзбекистон ҳар томонлама жадал ривожланаётган мамлакатлардан эканини бот-бот тилга олишини эслатиб ўтмоқчимиз. Бу эътирофлар беҳиз эмас. Ахир ҳар жабҳада янгилашни ва тараққиёт кузатишмоқда.

Президентимизнинг **Навоий вилоятига** ташрифи чоғида барчамиз гувоҳ бўлган янгиланишлар бунинг ҳаётий тасдиғидир.

Толибжон МАДУМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудоффа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

ҲАЁТИЙ МУАММОЛАРГА ЕЧИМ БОР

Биз узок йиллар **Навоий вилояти** имконияти деганда қончилик ва кимё корхоналарини кўз олдимишга келтириб юрган эканмиз. Худудимизда меҳнатга лаёқатли киши борки, шу корхоналарга интилган.

Давлатимиз раҳбари тарихан қисқа даврда худуднинг имконияти ва салоҳиятларини намойён қилибгина қолмай, уларни рўёбга чиқариш йўлида қатор самарали тадбирларга бош-қош бўлди. Натижада худуд аҳолисининг йиллар мобайнида тўпланиб қолган ижтимоий муаммолари бартараф этилиб, фаровонлики белгиланган ҳаётий масалалар ўз ечимини топди.

Бир мисол: 2017 йил бошида вилоятимиз аҳолисининг 67 фоизигина тоза ичимлик суви билан таъминланган эди. Бугун бу кўрсаткич 85 фоизни ташкил қилади. Салкам олтимиз йил халқимиз соғлиғига таҳдид солиб, бошига захар-зақум тўкиб келган кимё корхонасининг икки цехи ишлаб чиқаришдан олиниб,

ўрнига энг замонавий технологияларга асосланган турдош қувавлар бунёд этилди. Энг муҳими, ушбу тадбирлар ишлаб чиқариш, ишчи ўринлари қисқармаган ҳолда энг тежамкор технологияларни жалб қилиш орқали амалга оширилди.

Президентимиз бу галги ташрифида вилоятимизда 15 та йирик лойиҳанинг ишга туширилиши ва қурилиши бошланганига **старт берди**. Ушбу лойиҳалар туфайли қарийб етти минг киши юқори ҳақ тўланадиган ўз иш жойларига эга бўлади. Шунингдек, келгуси йилда вилоятимизга 3,7 миллиард АҚШ доллари миқдоридан инвестиция жалб этиш вазифалари белгилаб, шу асосда 600 та корхона ишга тушириш, 20 мингта иш ўрни



яратиш топшириқларини берди. Бу худудда ишга солинмаган имконият ва ресурслардан фойдаланиш камбағалликни қисқартириш ва фаровонлиқни оширишнинг муҳим омилли бўлади.

Нормурод ИСОҚОВ, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг **Навоий вилояти кенгаши раиси ўринбосари.**

ЖУРЪТ ҚИЛИБ БЎЛСА, ИМКОН ТОПИЛАДИ

Тадбиркорликни бошлаган пайтимда **оиламиз билан ҳали ижарада яшардик. Икки нафар фарзандим ёшлиги сабаб ишлаб олмасдим, турмуш ўртоғим ишсиз эди. Тирикчилик учун ҳар кун беш-олти килограмм ундан хамир қориб нон пиширардим. Кечга яқин шуларни уйма-уй сотиб, пулига яна ун олдириб қўярдим. Шу тарика икки йил ўтди. Ниҳоят, пулимиз бироз кўпайгач турли пишириқлар, чўчвара тайёрлаш, дўконларга топширишни йўлга қўйдик. Бизнесимиз кенгайди.**

Бугун корхонамизда ҳар кун олти тонна ундан 360 турдаги маҳсулот тайёрлаб бозорга чиқарамиз. Навбахор туманининг ўзида 200 нафар аёлни иш билан таъминлаганмиз. Шуларнинг етмиш нафарини камбағаллик даражасидаги оилаларнинг аёллари ташкил этади. Шуларнинг дуоиси ишимизнинг баракасини берди. Бугун Тошкентнинг ўзида иккита уйимиз, иккита энг замонавий машинамиз бор. Турмуш ташвиқлари билан бўлиб ўқий олмай қолдим, деб ўқинардим.



Мана, энди қирқ ёшга кириб келгуси йил қўлимга олийгоҳ дипломини оламан.

Мамлакатимиз Президенти биз, навоийлик фаоллар билан учрашувда мутасаддиларга худуд-

ларда камбағалликни қисқартириш, хонадонма-хонадон юриб, фаровон яшаш учун одамларга шароит яратиш бўйича топшириқлар берди. Бу борадаги ишлар юзасидан ҳисобот сўради. Уларнинг фаолиятига камбағаллик даражасидаги оилалар сони камайишига қараб баҳо беришни таъкидлади. Ушбу сўзларни эшитиб, қадрлиқ юкини елқадан улуктириб, фаровонлик сари интиладиган дамлар етди-ку, дегим келди. Бундай шароит ва рағбат ҳар қандай жамиятда ҳам яратилмаган.

Камбағаллик ва фаровонликка келсак, уларнинг ораси атиги бир қадам эканини ўз ҳаётимда сиздан ўтказдим. Уша қадамни босиб учун журъат керак.

Шаҳноза КАРИМОВА, «Baraka non Navoiy» МЧЖ раҳбари.

Жорий йил 1 ноябрдан «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурини «Камбағал оилалар учун етгита имконият ва масъулият» тамойили асосида амалга ошириш бошланди.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ АҲМАД НАРЗУЛЛАЕВ



Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳаси оғир жудликка учради. Бутун ҳаёти ва меҳнат фаолиятини қишлоқ хўжалиги ривожига бағишлаган таниқли фермер, Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаев шу йил 1 ноябрь кун 68 ёшида вафот этди.

А. Нарзуллаев 1956 йили Денов туманида туғилди. Меҳнат фаолиятини тумандаги "Сурхон-озиковқатсаноти" акциядорлик жамиятида бошлади. Кейинчалик Тошкент политехника институтини тасмоллаб, "Шарғун" гишт заводида, Денов туманидаги 37-механизациялашган кўча колонна ва экспериментал ишлаб чиқариш бирлашмасида турли вазифаларда ишлади. 1991 йилдан "Лочин" фермер хўжалиги раҳбари сифатида фидокорона меҳнат қилди.

А. Нарзуллаев 50 йилдан зиёд давом этган иш фаолияти мобайнида бой билим ва ҳаётий тажрибасини, куч-ғайратини эл-юрт ишига бағишлади. Ҳозир ер илмининг ҳақиқий билимдони, замонавий агротехнологиялар ва хўжалик юртимиз усуллари пухта эгаллаган ташкилотчи раҳбар, меҳнатсевар, камтарин ва ватанпарвар инсон сифатида намоян эътиб, республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кенг қўламли ишловчиларни амалга ошириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўлди.

У кўп йиллар Сурхондарё вилояти ва Денов тумани халқ депутатлари Кенгашининг аъзоси сифатида ушбу ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва юксалтириш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, таълим, тиббиёт, маданият масканлари қуриш ва обод қилиш, янги боғ ва хиёбонлар барпо этиш, ёшларни она юртва муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда жонбозлик кўрсатди.

Тажрибали фермер ўнлаб иқтидорли шогирдлар тайёрлаб, қишлоқ хўжалиги соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш борасида ҳам ибрат намунасини кўрсатди.

Аҳмад Нарзуллаевнинг кўп йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони ва "Меҳнат шўхрати" ордени билан мукофотланган эди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасининг етук намояндаси, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Аҳмад Нарзуллаевнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБЕКОВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, С. ТУРДИЕВ, У. ҚОСИМОВ

Биз ва жаҳон

Токио шаҳридаги Япония миллий матбуот марказида "Энгилмас, Токиога йўл" фильмига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Унда Ўзбекистондан кинофильм

прототиби — ёзги Олимпия ўйинлари чемпиони Баҳодир Жалолов ва унинг оила аъзолари, режиссёр Ақром Исаков ҳамда продюсерлар, актёрлар иштирок этди.

Ўзбек ва япон киноижодкорларидан тўхфа: «Энгилмас, Токиога йўл»

Ўзбекистон элчиси Мухсинхўжа Абдурахмонов тадбирдаги нутқида илк мартаба ўзбек — япон киноижодкорлари томонидан суратга олинган "Энгилмас, Токиога йўл" фильми тарихий воқеа бўлганини таъкидлаб, ушбу маданий лойиҳа икки давлат алоқалари ривожига муносиб ҳисса қўлишига ишонч билдирди.

Шунингдек, юртимизда давлатимиз раҳбари томонидан спортга берилётган эътибор, яратилаётган қўлай шарт-шароитлар ўз натижасини бераётгани, бунинг ёрқин мисоли сифатида юртимиз спортчиларининг "Париж — 2024" ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларидаги муваффақиятлари қайд этилди. Қолаверса, мазкур кинофильм Японияда Ўзбекистоннинг ижобий имижини янада оширишга, хусусан, ўлкамизга ташриф буюрувчи сайёҳлар оқимини кўпайтиришга хизмат қилишига умид билдирди.

Матбуот анжуманида фильм ижодкорлари ушбу лойиҳа ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди ва ОАВ вакиллари саволларига жавоб беришди.

— Давлатимиз раҳбари, Ўзбекистон халқи ва оила аъзоларимизнинг доимий қўллаб-қувватлови орқали мана шундай юқори натижаларга эришдим, — деди Баҳодир Жалолов. — Мазкур фильм япон киноижодкорлари билан ҳамкорликда тасвирга олингандан бағоят мамнунман. Чунки мен учун кадрли шаҳарлар — Токио ва Парижда Олимпия чемпиони бўлишдек эзгу орзуларим рўёбга чиққан. Мазкур фильм юртимиз ёшларининг спортга қизиқиши ортиси, келажакка катта умид ва ишонч билан қараб, ҳамisha сабр-матонат ва машаққат билан ўз мақсадига эришишига куч беришига ишонаман.

Картина бош режиссёри Ақром Исаков фильминг тасвирга олиш жараёни ҳақидаги фикрларини билдириб ўтди.

— Биринчи мартаба япон кино-



ижодкорлари билан ҳамкорликда ишлаганидан мамнунман. Фильм "Энгилмас, Токиога йўл" деб номлангани бежиз эмас, мазкур лойиҳа икки давлат дўстлик ришталарини янада мустаҳкамловчи ўзига хос "кўприк" бўлишига ишонаман, — деди у. — Фильм устида профессионал жамоа ишлади, қўлаб таниқли актёрлар қатнашди ва Япония, АҚШ, Туркия каби давлатларда тасвирга олиш ишлари амалга оширилди. Кино чинакам халқаро даражадаги лойиҳа бўлди, десак, муболаға эмас.

— Японияда ушбу фильмга қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда, — деди продюсер Масуда Юко. — Унинг премьераси 8 ноябрь кун Токиода, 10 ноябрь кун эса Нагоя ва Гифу шаҳарларида ўтказилади. Кейинчалик мамлакатнинг барча минтақасидаги кинотеатрларда кўрсатилади. Биз фақат Япония билан чекланиб қолмаймиз, кейинчалик Хитой ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида ҳам мазкур фильмнинг тарғиб қилиш бўйича келишувга эришганимиз. Тўғрисини айтсам, менга ушбу фильм катта таъбири ва янги имконият эшикларини очди. Мен Ўзбекистон билан боғлиқ яна бир фильм тасвирга олишни ўйлаяпман.

«Дунё» АА. Токио

Аутсорсинг хизматлари кўрсатувчи халқаро Call-марказ иш бошлади



Фаргона вилоятида рақамли технологияларни ривожлантириш, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда IT хизматлари экспортини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ ҳозир вилоятда юздан зиёд IT-парк резидентлари фаолият кўрсатаётир. Бу соҳада хизматларни экспорт қилувчи корхоналар сони 20 тага етди.

Фаргона шаҳрида Россиядаги Call-марказ аутсорсинг хизматларини кўрсатишга ихтисослаштирилган "Audiotele" компанияси маркази ташкил этилгани ушбу соҳадаги истиқболли лойиҳалар сирасига кирди. Ушбу марказда 60 нафар ёш мутахассис иш бошлади. Жорий йил якунига қадар улар сонини 110 нафарга етказиш, шу тарихда 4 миллион доллар ҳажмида хизматлар экспортини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Маълумот учун, "Audiotele" компанияси Россиянинг қатор шаҳарларида ўз марказларига эга. Компанияда 4 минг нафардан зиёд ходимлар фаолият олиб боради.

Кинологлар учун фойдали семинар

Миллий кинология марказида "Fauna & Flora International" халқаро ташкилотининг бошхона хизматлари кинолог ходимлари учун "Ёввойи табиатга қарши жиноятларнинг олдини олиш мақсадида хизмат итларини тайёрлашда салоҳиятини ошириш" мавзусида Марказий Осиё минтақавий семинари ташкил этилди.

Божхона қўмитаси, халқаро экология ташкилотлари, Қозғоғистон ва Қирғизистон кинология хизматлари вакиллари ҳамда бошқа тегишли мутаассадлар қатнашган ушбу тадбирда минтақадан сўнгги ўн йил ичида ёввойи табиатга қарши содир этилган жиноятлар ва уларнинг салбий оқибатлари, ноқонуний ва қонуний савдо тенденциялари ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Томонлар бу борада ҳамкорликдаги ишларни кучайтириш ва қилиниши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олишди.

«Халқ сўзи».

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА

ҚИЙНОҚ ҲОЛАТЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Қийноқлар жаҳон оммаси учун энг глобал масалалардан ҳисобланиб, инсон ҳуқуқлари бўйича кўп қабатли ҳалқаро ҳужжатлар ишлаб чиқилганига қарамай ҳамон бу масала дунё ҳамжамияти диққат эътиборидан тушмаяпти.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 5-моддасида ҳам ҳеч қим қийноққа ёки шафқатсиз, гайрининсоний ёки қадр-қимматини хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги кераклиги белгиланган. "Amnesty International" халқаро ташкилотининг 2024 йилнинг апрель ойида эълон қилган ҳисоботида 2023 йилда инсон ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ муаммолар, жумладан, қийноқлар ва одамларга нисбатан шафқатсиз муомала турлари жаҳоннинг 155 та мамлакатда кузатилгани қайд этилган.

Таҳлил

Қийноқлардан ҳимоя ҳар қандай ҳолатда бажарилиши керак бўлган асосий инсон ҳуқуқларидан бири эканлиги сабабли Ўзбекистон унга қўшилган ва қийноқларга қарши муросасиз кураш йўлини танлаган.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги ҳамда ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги, ҳеч қим қийноққа солиниши, зуравонликка, бошқа шафқатсиз, гайрининсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомалага ёхуд жазога дучор этилиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Шунингдек, қийноқ ҳолатларининг олдини олишга оид янги нормалар киритилиб, аввалги таҳрир таҳминлаштирилди. Унга қўра, агар шахсининг ўз айбини тан олгани унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги олий юридик мақомага эга бўлган ҳужжатда қатъий белгиланди. Бу эса қийноқ ҳолатларини келтириб чиқарувчи омиларни бартараф этишга қаратилган муҳим қадам.

Қолаверса, шахсни ҳибсга ва қамоққа олишга, қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига қўра йўл қўйилиши, шунингдек, шахс суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги Конституция даражасида белгиланган бўлди.

Ҳозирга қадар Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан, БМТнинг 7 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протокоliga қўшилган.

Ўзбекистоннинг зиммасига олган халқаро мажбуриятларини бажариши, хусусан, қийноққа қарши кураш борасида ўз таъбири ва босиб ўтган йўли бор.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддаси билан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайрининсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала

ҳамда жазо турларини қўллаш учун жиний жавобгарлик белгиланган ва қийноқни қўлланганга нисбатан жазо чоралари оғирлаштирилган.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига қийноққа солишдан жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунда қийноққа солишдан жабрланган шахсларга етказилган жисмоний, руҳий, маънавий ва моддий зарар ёки бой берилган фойда, юридик ёрдам, дори воститалари ва тиббий хизмат, психологик ва ижтимоий хизматлар учун қилинган ҳаракатлар тўлаб берилиши назарда тутилган.

Шу ўринда инсон ҳуқуқлари соҳасида, хусусан, қийноқ ҳолатларини бартараф этиш бўйича амалга оширилган муҳим ислохотларга тўхталиб ўтиш жоиз.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида 2019 йилда Омбудсман ҳузурида қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайрининсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларининг олдини олиш бўйича миллий превентив механизм ҳаётга татбиқ этилди. Шундан сўнг ҳаракатланиш эркинлиги чекланган ёпиқ муассасаларга Омбудсман ва жамоатчилик вакилларининг мунтазам равишда кириши ва у ерда сақланаётган шахсларнинг шароитларини ўрганиши, улар билан мулоқот қилиши йўлига қўйилди.

Биламизки, қўллаб халқаро ташкилотлар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган "Жаслик" Марказий Осиёнинг энг муҳим қамоқхонаси сифатида тилга олиниб келинганда, У зоқ йиллар Ўзбекистоннинг халқаро обрўсига путур етказган. БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитаси "Жаслик" қамоқхонасини ёпишини тавсия этиб келган. Президентимизнинг 2019 йил 2 августдаги қарори билан Қорақалпоғистон Республикасининг Жаслик қўрғонидан жойлашган 19-сон ихтисослаштирилган жазони ижро этиш

колониаси тугатилди. Ўша пайтданок халқаро ҳамжамият мамлакатимиз етакчисининг мазкур қарорини Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги ижобий янгилик сифатида баҳолади.

Аҳамиятлиси, бу борадаги ишлар шунинг ўзи билан кифояланмади. Яъни бу Ўзбекистоннинг қийноқ ҳолатларининг олдини олиш сари ташлаган дастлабки қадамларидан бири эди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш узлуксиз давом этадиган жараён эканлиги нуктаи назаридан мамлакатимизда қийноққа қарши курашиш механизмлари ҳам такомиллаштирилиб борилди.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 26 июнида "Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори нафақат ушбу иллатни барвақт аниқлаш, бартараф этиш, балки қийноқдан жабр кўрган инсонларга ҳар томонлама ёрдам бериш ва уларга етказилган зарарни компенсация қилишга ҳам қаратилди.

Шунингдек, қарор билан Омбудсман ҳузуридаги Миллий превентив механизм (МПМ) ҳам такомиллаштирилиб, эксперт гуруҳи негизида Омбудсман ҳузуридаги Қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари ташкил қилинди. Улар зиммасига қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда уларни тезкор бартараф этиш бўйича талабномаларни тегишли давлат органига тақдим қилиш, қийноққа солиш ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатларни қўриб чиқишда иштирок этиш каби вазифалар юклатилди.

Рақамларга назар солсак, 2021 йилда 177 мартаба, 2022 йилда 381 мартаба мониторинг таширфи амалга оширилган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 603 тани ташкил этди. Натижада қийноққа солиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича парламент ва жамоатчилик назорати ўрнатилишига эришилди. Мониторинг таширфлари давомида аниқланаётган камчиликлар юзасидан тахлилий маълумот ва ахборотлар, ҳулоса ва тақдимномалар ҳамда талабномалар тайёрланиб, мутасадди вазирлик ва идораларга қўриб чиқиш учун юборилмоқда. Бундан ташқари, ушбу мониторинг натижалари Омбудсманнинг Олий Мажлис палаталарига тақдим қиладиган йиллик ахборотида ҳам акс этади.

Шунингдек, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган ёпиқ муассасаларга Болалар омбудсмани, Бизнес омбудсман ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий

марказнинг ҳам монеликсиз киришлари белгиланган.

Омбудсман томонидан жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликдаги ўрганишлар асосида 2023 йилда БМТнинг тегишли қўмитасига Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайрининсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши конвенциянинг бажарилиши бўйича Ўзбекистон ҳукумати ҳисоботида мурқобил маъруза киритилди. Ушбу маъруза қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликда ишланди.

Таъкидлаш лозимки, қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида Омбудсман бошчилигида амалга оширилган мониторинг таширфлари натижасида йилдан-йилга ҳаракатланиш эркинлиги чекланган ёпиқ муассасалардаги шароитлар, маҳкум ва маҳбусларга бўлган муносабат халқаро меъёрларга мувофиқлаштирилди. Ушбу пени-тенция муассасаларга ўрнатилган "Омбудсман кути"лари орқали маҳкум ва маҳбусларнинг Омбудсманга мурожаат қилиш имконияти яратилди. Уларнинг мурожаатлари махфийлиги сақланган ҳолда ҳеч қандай тўсиқ ва оворагарчиликсиз Омбудсманга етказилиб, уларни ҳал этиш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда. Айтиш лозимки, маҳкумларни Омбудсманга "Омбудсман кути"си орқали мурожаат қилиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида тилга олинган қийноқларнинг олдини олишга қаратилган қароридан ушбу иллатга қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланди. Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган жойларга жойлаштирилган шахсларнинг ягона электрон реестрини юритиш амалиётининг жорий этилиши шулар жумласидандир.

Ушбу механизм тегишли орган ва идоралар ходимларига ҳаракатланиш эркинлиги чекланган ёпиқ муассасаларда сақланаётган шахслар ҳақидаги маълумотлар, жумладан, қачон олий келингани, сабаби, тиббий ҳолати ва бошқа фактларни тезкорлик билан электрон реестрга киритиш мажбуриятини юклайди. Бу эса бирор-бир шахсни бесабаб ушлаб туриш, маълумотларни ашириш, жисмоний куч ишлатиш йўли билан кўрсатма олишга уриниш каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Ушбу электрон реестр маълумотлари билан онлайн танишиш имконияти Омбудсман, судлар ва прокуратура органларига ҳам берилётгани очкиликни таъминлаш билан бирга маъсулият



ва назоратнинг ҳам янада кучайтирилишини таъминлайди.

Шундай қилиб, жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган, маъмурий қамоққа олинган, муайян яшаш жойига эга бўлмаган, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган, озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилган, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиб, психиатрия стационарларида ёки наркологи муассасаларида мажбурий даволанаётган шахслар ҳақидаги маълумотларни Ягона электрон реестрга мажбурий равишда киритиб бориш тартиби белгиланган.

Янги тартибларга қўра ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган муассасаларга олиб келинган шахс ҳақидаги маълумотларни белгиланган муддатда Ягона электрон реестрда рўйхатга киритмаслик ушбу шахсларни ноқонуний ушлаб туришга тенглаштирилади ва қонунчиликда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Қамоқда сақланаётган шахсларга нисбатан зуравонлик, қийноққа солиш ва ноқонуний ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида жазони ижро этиш тизими фаолиятга рақамли технологияларни, жумладан, интеллектуал "Smart" камералар, видеореєстратор, рентген-сканер қурилмаси, электрон дўқонлар жорий этиш, онлайн видео-учрашув хизматини йўлга қўйиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Албатта, тизим фаолиятининг рақамлаштирилиши жазони ижро этиш муассасаларида ишловчи ходимлар

Умуман, қийноқларга қарши кураш Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида олиб берилаётган ислохотларнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича илғор таърибаси бор, деб қатъий айтиш мумкин. Мамлакатдаги ҳуқуқий ислохотлар, жамоатчилик назорати ва халқаро мажбуриятларни бажаришга бўлган садоқат инсон қадрини ҳимоя қилишдаги муҳим қадамлардир. Бу халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

Муҳими, халқимиз ушбу ўзгаришлар таъсирини ўз ҳаётида ҳис қилмоқда. Ишонимизки, келгусида ҳам ушбу саъй-ҳаракатлар давом эттирилиб, инсон қадри тобора юксалиб бораверади.

ишини енгилаштириши билан бирга уларнинг маъсулиятини ҳам оширади. Пировардида, қийноқ ҳолатларининг олдини олиш орқали инсон ҳуқуқлари таъминланишига замин яратилади.

Ушбу мақолада қийноққа қарши кураш борасидаги энг асосий амалга оширилган ишларни қамраб олинди. Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган ёпиқ муассасаларда сақланаётган шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилган самарали ислохотлар эса алоҳида мавзу. Қисқача айтганда, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган ёпиқ муассасалардаги ҳозирги шароитларни бундан 7-8 йил аввалгисига билан солиштирадиган бўлсак, жуда катта ўзгаришларга гувоҳ бўламиз. Ушбу ўзгаришлар, албатта, тизимдаги ислохотлар ва жамоатчилик назоратининг ўрнатилгани мевасидир.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасини халқаро рейтингларда ҳам кўришимиз мумкин. "World Justice Project" халқаро нодавлат ташкилоти томонидан тузиладиган 2024 йилда эълон қилинган Ҳуқуқ устуворлиги индексида Ўзбекистон Сербия, Албания, Хитой, Беларусь, Қирғизистон, Россия, Туркия ва бошқа давлатларнинг ортада қолдириб, 140 та давлат орасида 78-ўринни эгаллади. Унда Ўзбекистоннинг барча 8 та индикатор бўйича кўрсаткичларида яхшиланиш кузатилган.

Қолаверса, 2024 йилнинг июнь ойида мамлакатимизга таширф буюрган БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш Ўзбекистон Президенти билан учрашувда мамлакатимизга илк бор 20 йил аввал, иккинчи марта эса Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятига энди киришган пайтлари келганини алоҳида таъкидлаб, қисқа давр ичида амалга оширилган ишларни юқори баҳолади. Ўзбекистон ўз фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг манфаатларини таъминлаш каби қатъий ривожланиш йўлидан собитқадамлик билан бораётганини алоҳида таъкидлади.

Умуман, қийноқларга қарши кураш Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида олиб берилаётган ислохотларнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича илғор таърибаси бор, деб қатъий айтиш мумкин. Мамлакатдаги ҳуқуқий ислохотлар, жамоатчилик назорати ва халқаро мажбуриятларни бажаришга бўлган садоқат инсон қадрини ҳимоя қилишдаги муҳим қадамлардир. Бу халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

Муҳими, халқимиз ушбу ўзгаришлар таъсирини ўз ҳаётида ҳис қилмоқда. Ишонимизки, келгусида ҳам ушбу саъй-ҳаракатлар давом эттирилиб, инсон қадри тобора юксалиб бораверади.

Феруза ЭШМАТОВА,

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман).

Ўзбекистон ҳунармандлари ва санъаткорлари Ҳиндистонда ўтказилган халқаро фестивалда иштирок этди.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

«Насаф» — Ўзбекистон чемпиони

Ўзбекистон Суперлигасининг 23-тури доирасида Қаршининг «Насаф» жамоаси сафарда Тошкентнинг «Локомотив» жамоасини 0:1 ҳисобида мағлуб этиб, ўз тарихида илк бор Ўзбекистон чемпионига айланди.



«Насаф» 23 ўйиндан кейин 52 очко жамғариб, чемпионат якунига 3 тур қолганда мuddатидан аввал Ўзбекистон чемпионлигини нақд қилди.

— Биз чемпионлиқни узоқ йиллар мақсад қилганимиз ва ҳар бир баҳсга жиддий қарадик, — дейди жамоа бош мураббийи Рўзкул Бердиев. — Бугун шогирдларимизга раҳмат айтаман. Улар муҳлисларимизнинг азалий орузини рўёбга чиқаришди. Яқин кунларда халқор майдонда ҳам ўйинларимиз бор. Унда ҳам юқори натижаларни қайд этиб, халқимизни хурсанд қиламиз, албатта.

Жамоа бугунгача ОФК кубоги чемпиони, Ўзбекистон кубоги соҳиби, Ўзбекистон суперкубоги ғолиби бўлган ҳамда мамлакат чемпионатида 4 марта кумуш, 7 марта бронза медалларини қўлга киритган.

Бу гал Р. Бердиев шогирдлари ўз тарихида илк бор Суперлига ғолиблигини қўлга киритиш билан бирга пойтахт клубларининг 23 йиллик чемпионлигига ҳам барҳам берди. Натижада 2025 йилда Ўзбекистоннинг биринчи рақамли жамоаси сифатида ОФК Элит Чемпионлар лигасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.

Элёр ҲАЙДАРОВ («Халқ сўзи»).

Миллий қадриятларимиз тараннуми

Пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида миллий қадриятларимизга бағишланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тошкент тиббиёт академияси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда академия ўқитувчи ва талабалари, меҳмонлар қатнашди.

Қайд этилганидек, юртимизда миллий қадриятларимиз ривожига алоҳида эътибор берилляпти, бу ўзлигимизни англаш, кўнглимизда Ватанга, она юртимизга баъбатан меҳр-муҳаббатимиз янада ошишига хизмат қилади.

Маданий кечада таниқли шоирларнинг Ватани мадҳ этувчи шеърлари, хонандаларнинг дилрабо куй-қўшиқлари янгради.

Тадбир сўнггида академия талабаларидан иборат «Наво-шифо» ансамбли ижросидаги ёшликка хос куй-қўшиқлар, жозибали рақслар, шеърини монولوғлар, миллий кийимлар ҳамда таомлар кўргазмаси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

«Жасорат» музейи очилди

Наманган вилояти ИИБда «Жасорат» музейи ўз фаолиятини бошлади.



Бу ерда вилоят ички ишлар органларининг ташкил этилишидан бугунги кунга қадар бўлган фаолияти ёритилган бўлиб, улар ҳақидаги маълумотлар замон талабларига мос равишда рақамли технологиялар асосида уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз) аудиоёзув орқали тақдим қилинади.

Музейда алоҳида замонавий ва қулай «Видеозал» жойлашган бўлиб, унда таширф буюрчулар вилоят ИИБ ва унинг қўйи тизимларининг тарихи, ҳозирги кундаги фаолиятига дахлдор видеолар ҳамда ҳужжатли кўрсатувлар билан танишиш имконига эга.

«Жасорат» музейининг тантанали очилиш маросимида қайд этилганидек, ушбу маскан вилоят ички ишлар тизимининг шонли тарихи ва фаолиятини ёш авлодга етказишда муҳим ўрин тутди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕК ШАХМАТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДА

Шахмат, шубҳасиз, инсон тафаккури яратган энг буюк мўъжизалардан бири. Зеро, унда одамларни эзгуликка чорлайдиган учта муҳим жиҳат — спорт, илм ва санъат мужассамлашган. Шу боис улуг алломалар «ақл чархи»ни энг катта тарбиячи, дея эътироф этган.

Дарҳақиқат, шахмат инсондаги қурашувчанлик, ғалабага бўлган ишонч руҳини тарбиялайди, иродани синаш, матонатни тоблаш орқали тўғри қарор қабул қилиш қобилиятини шакллантиради. Ушбу қадимий спорт турига қизиқиш ҳеч қачон сўнмаслигининг асл сабаби ҳам ана шунда.

Қалбимизга фахр бағишлайдиган томони шундаки, заманимиз барча замонда шахмат оламида етакчи мавқега эга бўлиб келган. Бунга тарихдан мисоллар кўп. Хусусан, соҳибқирон бобомиз Амир Темур даврида Самарқанд шатранж мусобақалари тез-тез ўтказилайдиган йирик марказга айланган. Таъбир жоиз бўлса, бугун шахмат дунёсидаги ўша шухратимиз яна қайти. Ўзбекистон қисқа фурсатда жаҳон шахматининг етакчи мамлакатларидан бирига айланди. Давлатимиз раҳбари томонидан шахматни ривожлантиришга қаратилган эътибор, унинг оммавийлигини ошириш учун яратиб берилган қулай шарт-шароитлар бунда ҳал қилувчи омил бўлди.

Спорт

Одамлар орзусидаги тузилма

Бугун ўзбек шахмати ривожининг янги босқичига қадам қўймоқда. Ушбу жараёнда Ўзбекистон шахмат федерацияси ва унинг таркибидagi тузилмалар тубдан ислоҳ қилиняпти, уларнинг ваколатлари кенгайтирилиб, зиммасига қўшимча вазифалар юкланяпти. Бундан кўзланган мақсад ягона. У ҳам бўлса, Ўзбекистон шахмат федерациясини юртимиз истеъдодларининг бошини қовуштирадиган, шахматчиларимиз орзу-ниятлари рўёбга чиқишига яқиндан кўмак берадиган, қисқача айтганда, одамларнинг орзусидаги халқчил ва шаффоф тузилмага айлантиришдир.

Ҳозирги кунда соҳада олиб борилаётган тизимли янгиланишларни уч йўналишда алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчиси, соҳага қўйидан тажрибали мутахассислар жалб этилиб, кадрлар таркиби кучайтиляпти. Қолаверса, хориждан ма-лакали мураббийлар қаққрилиб, терма жа-моа аъзолари ва умидли ёш шахматчиларга индивидуал масъул қилиб белгилаш амалиё-ти жорий этилмоқда. Шунингдек, юртимиз-даги юқори тажрибали мураббийлар сало-ҳиятидан фойдаланиш чора-тадбирлари қўриляпти. Қолаверса, тақдир тақозоси би-лан хорижда ишлаётган мураббийлар, халқ-аро гроссмейстерларни Ватанга қайтариш чоралари қўриломоқда.

Иккинчиси, шахматни ҳудудларда ҳам ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар муҳайё этилмоқда. Очиги, илгари Тошкентга келмаган шахматчи ривожланмаган, ўсмаган. Эндиликда пойтахтдаги шароитлар жойлар-да ҳам яратилади. Федерация ҳудудий бўлимларининг фаолияти жонлантирилади. Жойларда туман, шаҳар, вилоят миқёсидаги мусобақалардан ташқари камда иккитадан халқаро ва республика чемпионатлари таш-кил этилади. Турнирлар фестивал шаклида юқори рейтингли шахматчилар билан бирга ёш шахматчиларни қамраб олган ҳолда шах-мат байрами тарзида уюштирилади. Бу эса шахматнинг оммавийлигини таъминлашда муҳим қадам бўлади.

Учинчиси, Халқаро шахмат академияси-га олий таълим ўқув юрти мақоми берилиб, чинакам илмий муассасага айлантирилади. Дастлаб бу ерда ёшларга бақалар даража-си берилса, кейинчалик магистратура ҳамда олий таълимдан кейинги босқичлар йўлга қўйилади. Шахмат илмини ўрганиш, илмий изланишлар олиб бориш учун кенг йўл очиб берилади.

Шаффофлик ва очиқлик сиёсати самараси

Соҳа фидойилари яхши билишади, шу пайтгача шахмат равнақи йўлида бундай кенг қўламли ишлар амалга оширилмаган эди. Қисқа даврда соҳани тубдан ривожлантириш-га қаратилган бешта муҳим ҳужжат қабул қилинган бунга ёрқин мисолдир. Уларнинг изчил ижроси таъминланаётгани, айниқса, шахмат сиёсатидаги шаффофлик туфайли илгари кўпчилик учун «очилмаган кўрик» бўлган мазкур соҳа очиқ тизимга айланди.

Шу ўринда шахматчилар маҳоратини оши-риш учун қулай платформа вужудга кел-ганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Спортчи мусобақаларда тоблангани каби шахматчи ҳам маҳаллий ва хорижий турнирларда чарқланади, маҳорати ошиб боради. Бирок олдинлари республикамизда атиги битта — ўзбекистонлик биринчи халқаро гросс-мейстер Г. Агзамов хотирасига бағишлан-ган халқаро турнир ўтказиларди, ҳолос.

Бугун-чи? Бундай нуфузли мусобақалар сони йил сайин ошиб борапти. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун халқаро шахмат турнири, шахмат бўйича XVII жаҳон чемпиони Р. Қосимжонов халқаро турнири, «Соҳибқирон кубоги» халқаро шахмат турнири, «Ал-Беруний» халқаро шахмат турнири, «Туризм ва шах-мат ҳафталиги», вилоят ҳокими кубоклари

рўйхатининг тепасида ўзбекистонлик икки номдор шахматчи — Жавоҳир Синдоров ва Нодирбек Абдусатторовнинг борлиги бежиз эмас.

Шахмат экспертлари айни пайтда дунё-нинг энг кучли шахматчилари Ўзбекистонда шаклланигани эътироф этмоқда. Айниқса, эркаклар терма жамоамиз дунёдаги етакчи таркиблардан бири саналади. Улар охириги олимпиадада қўлга киритган бронза медали олтинга тенглаштириляпти. Негаки, медал-лар учун жами 10 та жамоа кураш олиб бор-ган бўлса, олимпиада ғолиби бўлган Ҳин-дистон жамоаси биргина Ўзбекистон билан дуранг ўйнади. Яқунда Ўзбекистон 8 ғалаба, 1 дуранг ва 2 мағлубиятни қайд этди. Шу тариқа Хитойни шохсупадан четлатиб, АҚШ-дан кейинги ўринни банд қилди.

Тарихий топилмалар сирли

Ўзбек шахмати шухратининг ортиб бораётгани тасодиф эмас. Бу тарихий адолат қарор топаётгани, оққан дарё оқмай қолмас-лигидан нишон.

Гарчи, шахмат тарихида бу ўйин Ҳинди-стонда бундан бир ярим минг йил аввал пай-до бўлган ва инсоният тамаддунининг аж-ралмас қисми сифатида дунё бўйлаб кенг тарқалгани айтилса-да, «ақл гимнастикаси»-нинг шаклланиши ва ривожланишида Ўзе-бекистон замини муҳим роль ўйнагани айни ҳақиқат. Бундай дейиш учун илмий асослар ҳам етарли.

Гап шундаки, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профес-сори, археолог Юрий Буряков 1990 йили Са-марқанд яқинидаги шаҳарнинг қадимий қисми Афросиёбда олиб борган қазимиша да-вомида фил суйтидан ясалган 7 дона шах-мат ҳайкалин топган. Бу шу давргача дунё миқёсида энг тўлиқ тўпلامдаги топилма ҳисобланади.

1996 йилда япониялик археологлар мам-лакатимиз жанубидаги қадимий Далварзин-тепа ҳудудида Кушон империяси даврига оид иккита ноёб шахмат ҳайкалчасини топши-ла муваффақ бўлган. Бу милоддан аввалги II асрда қадимий Ўзбекистонда шахмат ўйини бўлганини англатади.

Юртимиз жанубидаги ушбу тарихий то-пилма шахмат ўйини тарихига бўлган қараш-ни ўзгартириб юборди. Ўзбекистонда шах-мат ҳайкалчалари хунармандлар яшаган йил-лар, ҳаммомлар харобаларида олиб борил-ган қазималардан топилгани шахмат кенг аҳоли қатлами орасида ҳам машҳур бўл-ганини яққол тасдиқлайди.

Шахматнинг Ўзбекистонда пайдо бўл-гани исботловчи мисоллардан яна бири унинг номланишидир. Ҳиндистонда II аср-

46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси юртимизда ўтказилиши истеъдодли шахматчиларимизнинг янги авлодини тайёрлаш ва жаҳон шахмат майдонига олиб чиқиш учун қулай фурсатдир. Чунки бизга мезбон давлат сифатида унмидан эркаклар ва аёллар жамоалари иштирок этишига рухсат берилди. Энг асосийси, юртимизда бундай йирик турнирларда ўзини кўрсата оладиган шахматчиларимиз жуда кўп.

дистон, АҚШ, Хитой сингари етакчилар қато-рида тилга олинади. Шахматчиларимиз били-м, тафаккур ва маҳорат раҳлар бобида юксак мавқега эга экани эътироф этилади. Чунки миллий жамоамиз Шахмат олимпиадасида кетма-кет иккинчи марта олий шохсупага кўтарилиди. Бу шахмат тарихида камдан-кам кузатиладиган ноёб ҳолат эканини кўпчилик яхши тушунади.

Ҳақиқатан ҳам, 2022 йили 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида эркаклар жамоаси 1-ўринни қўлга киритган эди. Мана, яқинда Венгриянинг Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган 45-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида Ўзе-бекистон 200 га яқин давлатлар орасида фахрли учинчи ўринни эгаллади. Аёллар жа-моаси бўлса, ўз тарихидаги энг юқори нати-жани қайд этиб, 12-ўринни қўлга киритди.

Шахматчиларимиз сўнгги йилларда эриш-ган муваффақиятлар ҳақида гап кетганда, жамоавий жаҳон чемпионатида 2-ўринни эгаллаганини, Афрўза Ҳамдамова 14 ёшгача қизлар ўртасида жаҳон чемпиони бўлгани-ни, рейтинг бўйича жаҳоннинг биринчи ва иккинчи рақамли шахматчилари Магнус Карлсен ҳамда Хикару Накамура қатнашган «Qatar Masters Open»да биринчи ўрин тақ-дирини бизнинг йигитлар — Нодирбек Абдусатторов ва Нодирбек Ёқуббоев ўзара ҳал қилиб, Ёқуббоев ғолиб бўлганини ало-ҳида таъкидлашни истардим. Бундан ташқари, 2023 йилда «Prague Masters» ҳамда Теп-Сихнем супертурнирларида Нодирбек Абдусатторов 1-ўринни эгаллади. Шамсиддин Воҳидов эса Осиё чемпиони бўлди.

Жаҳоннинг энг ёш гроссмейстерлари

дан XVI асргача шох ва подшоҳлар бўлма-ган. Буюк Бобурийлар сулоласига қадар Ҳин-дистонда ражлар ҳукмдор саналган. Шу боис шахмат номининг келиб чиқиши ҳинд тилига тааллуқли бўлиши бироз шубҳали. Сўзнинг иккинчи бўғини бўлмиш «мот» сўзи ҳам ўзбек тилида «чорасиз ҳолат» деган маънони ан-глатади.

Археолог Юрий Буряков Самарқанд, Бу-хоро, Хива, Термиз, Тошкентда шахмат ўйини кенг тарқалганини, бу Буюк Ипак йўли бўйлаб туялар қаровни юрган йўналишларга тўғри келишини қайд этган. У шахмат ўйинининг мумтоз тарихини ўрганар экан, ушбу спорт турини буддизм роҳиблари эмас, қадимги Самарқанд шахрининг савдогарлари ёйган, деб ҳисоблайди.

Ўзбек халқининг қадимий шахмат анъана-ларига кўра, ҳозирги кунда мактабгача ёшда-ги ва бошланғич синф ўқувчилари ушбу спорт турига тобора кенг жалб қилинмоқда. Бу янги Ўзбекистонда янги шахмат юлдузларини кашф этишининг энг тўғри йўлидир. Биноба-рин, навқирон авлод орасидан истиқболли спортчилар тезда сараланиб, улар ўз ёш тоифаси бўйича жаҳон чемпионларига айланишмоқда.

Мусобақанинг оммавийлиги ошмоқда

Бугунги кунда шахмат мусобақаларда ўйналадиган спорт туригина эмас, балки ўзбек халқи соғлом турмуш тарзининг аж-ралмас қисми, доимий шугулланадиган машғулотига айланди, десак, муболага эмас.

Ҳа, шахмат миллий ҳаракат тусини олаёт-гани кишини қувонтиради. Бунда Президенти-мизнинг 2018 йил 9 августдаги «Ўзбекистон Республикасида шахматни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори катта туртки бўлди. Ушбу ҳужжат-га асосан, дастлаб 150 та умумий ўрта таъ-лим мактаби шахматга ихтисослаштирилган бўлса, яна шунча мактабнинг бошланғич синф ўқувчиларини ушбу спорт турига ўқитиш бошланди. Ёшларни маънавий ва жисмоний барқамол авлод қилиб шаклланти-риш, интеллектуал салоҳиятини ривожланти-ришга хизмат қиладиган бу лойиҳа тезда ўзи-нинг ижобий натижаларини кўрсатди.

Ўрганишларга қараганда, шахматнинг сир-асрорлари ўргатилаётган синф ўқувчилари-да дарсларни ўзлаштиришда ҳам ижобий на-тижалар кузатилиб, турли танловларда ғолибликка эриша бошлаган. Ахир шахмат кишида фикрлаш жараёнини тартибга сола-ди, диққатни жамлаш кўникмасини ҳосил қилади, хотирани мустаҳкамлайди. Айниқса, мантикий фикрлаш ва иродани тоблашда унинг аҳамияти катта. Бу спорт турининг ана шу жиҳатлари инobatга олинган ҳолда, айни пайтда юртимиз бўйича 1300 та мактабда ўқувчиларга шахмат фан сифатида ўқити-лаётгани диққатга сазовор.

Шахматни оммалаштириш борасидаги сай-ҳаракатларнинг ҳозирги босқичида «Шах-мат боғчадан бошланади» махсус дастури ҳаёт-га татбиқ қилиняпти. Бу мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларини шахмат-га қизиқтириш ва ўргатиш, улар орасидан ис-теъдодли ёш шахматчиларни саралаб олиш, бошқача айтганда, шахматда «селекция» иш-ларини яхшилаш имконини беради.

Шу мақсадда мактабгача таълим ташки-лотлари тарбияланувчилари ўртасида «Шах-мат фестивали», умумий ўрта, ўрта махсус, профессионали ва олий таълим муассасала-рида алоҳида-алоҳида мусобақалар ўткази-лаётгани умидли ва истиқболли шахматчи-ларни кашф этишга кенг йўл очмоқда. Бу шах-матсавар халқимиз учун жуда катта имони-ят. Яшириб нима қилдик, илгари ота-оналар фарзандларини қўлидан етаклаб, унга яхши мураббий излаб юрарди. Бугун шахматни ўқитиш тизимли равишда йўлга қўйилди.

Олимпиада мезбони — Самарқанд

Ҳозир асосий эътибор 2026 йилда Самар-қанд шаҳри мезбонлик қиладиган навбатда-ги олимпиадани юқори савияда ташкил этиш, шу билан бирга, шахматдаги натижаларни янада яхшилашга пухта тайёргарлик қўриш-га қаратилган. Бунда давлатимиз раҳбарин-инг «2026 йил Ўзбекистонда бўлиб ўтади-ган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига комплекс тайёргарлик кўриш ҳамда шахмат-ни оммавий ҳаракатга айлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори дасту-риламал бўлиб хизмат қиляпти.

Олимпиадага тайёргарлик кўриш доираси-да жорий йил мамлакатимиз йирик шахмат байрами — «UzChess Cup» халқаро шахмат мусобақасига мезбонлик қилди. Умумий му-кофот жамғармаси 166 миң АҚШ долларига тенг бўлган ушбу мусобақа илк бор жаҳон-нинг экстроклассдаги 10 нафар етакчи шах-матчиси ўртасида ўтказилди. Бу эса шахмат спортини янада кенгроқ тарғиб қилиш, ёшлар-ни спорт мусобақаларига оммавий равишда жалб этиш, ўзбекистонлик шахматчиларнинг билим ва тажрибаларини янада ривожланти-риш, ҳаваскорлар ҳамда ёш шахматчиларнинг малакаларини оширишга хисса қўшди.

46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси юр-тимизда ўтказилиши истеъдодли шахматчи-ларимизнинг янги авлодини тайёрлаш ва жа-ҳон шахмат майдонига олиб чиқиш учун қулай фурсатдир. Чунки бизга мезбон давлат си-фатида унмидан эркаклар ва аёллар жамоа-лари иштирок этишига рухсат берилди. Энг асосийси, юртимизда бундай йирик турнир-ларда ўзини кўрсата оладиган шахматчила-римиз жуда кўп.

Яқинда юртимизга таширф буюриб, олим-пиадага тайёргарлик жараёнларини кўздан кечирган ФИДЕ президенти А. Дворкович бошчилигидаги экспертлар жамоаси Шахмат олимпиадасига кўриляётган хозирлик ишлар-идан катта қониқиш билан қайтиб кетди.

Ўзбекистон Шахмат федерацияси ва унинг тизимдаги тузилмалар томонидан спортчила-римизга юксак илмий салоҳиятини намойиш этишлари учун барча зарур шарт-шароитни муҳайё қилиш йўлида бор имкониятлар ишга солинмоқда. Умид қиламизки, бугунги сай-ҳаракатлар ўзбек шахмати тарихида янги саҳифалар очиб, мамлакатимизнинг юксак ма-вқени янада кўтаришга, жаҳон шахмат то-жини яна Ўзбекистонга олиб келиш орзу-ми рўёбига мустаҳкам пойдевор бўлади.

Комил СИНДОРОВ, Ўзбекистон шахмат федерацияси раиси ўринбосари, Халқаро шахмат академияси директори.

А. И. Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети Тошкент шаҳридаги филиалининг янги кампуси очилди.

Advertisement for Sharq newspaper containing contact information for the head editor, subscription rates, and publication details.